

Фикҳ дарслари (43-дарс). Янги фикҳ луғати китоблари



14:00 / 29.07.2019 4950

Ал-қомус ал-фиқҳий.

Бу китобнинг тўлиқ исми «Ал-қомус ал-фиқҳий луғатан ва истилоҳан»дир. Унинг муаллифи Саъдий Абу Жийбдир.

Муаллиф олдин феълни, кейин исмни баён қилган.

Феъл ва исмларни алифбо тартибига биноан жойлаштирган.

Ҳар бир сўзга Қуръондан ва ҳадисдан далил келтирган.

Аввал сўзнинг луғатдаги, кейин истилоҳдаги маъносини кўрсатган.

Агар уламолардан бири таърифни шариатга, истилоҳга, урфга ёки уламолар иттифоқига нисбат берган бўлса, уни ҳам айтиб ўтган.

Фикҳий мазҳаблар Моликий, Ҳанафий, Шофеъий, Ҳанбалий, Зоҳирий, Жаъфарий, Зайдий ва Абозий тартибида олинган.

Агар бир таърифга бир неча мазҳаб иттифоқ қилган бўлса, иттифоқ қилган мазҳаблар ва таъриф ҳам келтирилган.

Айрим мавзуларга оид янги китоблар

Қадимда фақиҳлар зарурат юзасидан айрим мавзулар бўйича алоҳида китоблар ёзгани маълум ва машҳур. Намоз китоби, Рўза китоби, Ҳаж китоби кабилар. Ўша эски услубга амал қилиб, замондош фақиҳларимиздан баъзилари ўзлари аҳамиятли деб билган мавзулари бўйича алоҳида китоб битишга ҳаракат қилдилар. Албатта, Намоз китоби, Рўза китоби, Ҳаж китоби, Закот китоби каби таълим учун турли тилларда ва услубларда нашр қилинган асарларни илмий иш деб баҳолаш қийин, аммо баъзи жиддий илмий ишлар сирасига кирадиган китоблардан намуна келтиришга ҳаракат қиламиз.

1. Ибодот.

Бу мавзу бўйича ёзилган янги китобларга Асъад Маҳмуд Саъийд Соғурчининг «Ат-тайсир фил фикҳил Ҳанафий» номли китобини мисол келтиришимиз мумкин. Муаллиф бу китобни «Танвийрул абсор» ва «Раддул Мухтор» китобларидан фойдаланиб ёзган. Унда фақат ибодатлар қисми – Намоз, Рўза, Закот ва Ҳаж китоблари бор. Масалалар батафсил ёритилган ва далиллар келтирилган. Китобнинг биринчи нашри «Дорул Калимит-Тоййиби» тарафидан ҳижрий 1423 – милодий 2002 санада Байрутда амалга оширилган.

2. «Фикҳуз-закоти».

Машҳур олим шайх Юсуф Қаразовий «Фикҳуз-закоти» китобининг муқаддимасини ҳижрий 1389 – милодий 1969 санада ёзган. Мазкур муқаддимада закот ибодати даврнинг энг муҳим масаласи бўлиб тургани, шу пайтгача бу борада жиддийроқ илмий иш қилинмагани, ҳатто Миср Вақф вазирлиги ушбу долзарб мавзуда илмий мусобақа ҳам эълон қилгани ва китоб мазкур ҳолатни эътиборга олиб битилгани ҳақида ёзилади.

«Фикҳуз-закоти»да тафсир, ҳадис шарҳи, молиявий ва шаръий сиёсат китоблари, турли мазҳабларнинг фикҳ китобларидаги сочилиб турган маълумотлар жамланган ва таҳлил қилиниб, замона талабига мос ечимлар чиқарилган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, «Фикҳуз-закоти» китоби бу мавзудаги энг яхши китоб ҳисобланади. Китобнинг бош мавзулари қуйидагилардан иборат:

- Закот ва садақанинг маъноси ҳақида;
- Закотнинг фарзлиги ва унинг Исломдаги ўрни;
- Закотнинг кимларга фарз бўлиши;

- Закот фарз бўладиган моллар ва уларнинг миқдори;
- Закот фарз бўладиган молларнинг умумий шартлари;
- Ҳайвонот бойликлари закоти;
- Тилла ва кумушнинг (пул бирликлари) закоти;
- Тилла ва кумуш тақинчоқлар, идишлар ва санъат асарлари закоти;
- Тижорий бойликлар закоти;
- Зироат бойликлари закоти;
- Асал ва ҳайвонот бойликлари закоти;
- Денгиз ва кон бойликлари закоти;
- Иморатлар, заводлар ва шунга ўхшашлар закоти;
- Касб ва ҳунар закоти;
- Улуш ва чеклар закоти;
- Закот оладиган тарафлар;
- Ҳақдор синфлар ҳақида мулоҳазалар;
- Закот олмайдиган синфлар;
- Закотни адо этиш йўли;
- Закотда ниятнинг ўрни;
- Закотда қийматни бериш;
- Закотни бошқа юртга нақл қилиш;
- Закотни эрта ёки кеч бериш;
- Закотни адо этиш бўйича турли масалалар;
- Закотнинг яқка шахс ва жамиятга таъсири;
- Фитр закоти;
- Молда закотдан бошқа ҳам ҳақнинг борлиги;

– Зако̀т ва солиқ.

«Фикҳуз-зако̀ти» барчага машҳур ва маъқул бўлган китоб ҳисобланади. Унинг биринчи нашри ҳижрий 1389 – милодий 1969 санада чиққан бўлса, ҳижрий 1406 – милодий 1986 санада олтинчи нашри «Муассасатур-рисола» томонидан амалга оширилган.

(Давоми бор)

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан